



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborot@xasr.uz
web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 4 апрель,
пайшанба, 13 (489)-сон


IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



3 ISLOXOT
Дастур ижросини таъминлашда ОАВнинг алоҳида ўрни бор



5 ХУДУДЛАРДА
Гузорликлар учун мустақкам таянч нуқтаси



7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Космос хавф остида

ПАРЛАМЕНТДА

ҚўМИТА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАЯНТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан Тошкент вилоятида назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этди

Ўтказилган тадбирлар давомида парламент ишчи гуруҳи аъзолари Чиноз, Зангиота ва Бўқа туманидаги 100 дан зиёд фермер хўжалигида бўлиб, давлат эҳтиёжлари учун топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўловлар қай даражада амалга ошириляётганига оид молиявий ҳисоботларни апроф-лича ўрганишди.

Маълумотларда қайд этилишича, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 6166 та фермер хўжалиги бўлиб, уларга 434740 гектар ер майдони бириктирилган. Жумладан, пахта, галла етиштиришга ихтисослаштирилган 3322 та, боғ-узумчилик йўналишида 1961 та, сабзавот-полиэтилик бўйича 252 та, чорвачилик соҳасида 493 та ва бошқа йўналишларда 138 та фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда.

2 >>>

БОЛАЛАР СПОРТИ



ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТИНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун бутун қалб кўри, куч-қудратини баҳшида этакдан, ҳар томонлама баркамол фарзандларни вояга етказадиган давлатнинг келажаги буюк экани Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг навбатдаги йиғилишида яна бир қарра қайд этилди

Маълумки, истиқлол йиллари баркамол авлодини ана шундай руҳда тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, келажагимиз ворислари ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Бундан қарийб ўн йил аввал Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига асос солингани, ўтган давр мобайнида жамғарма ва унинг филиаллари томонидан мамлакатимизда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилгани эътиборга моликдир.

8 >>>

Ҳуқуқий тажрибадан — мукаммал қонун лойиҳасига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан миллий ҳуқуқий амалиёт учун янги услуб — ҳуқуқий тажриба ўтказишни жорий этиш ташаббуси илгари сурилди

Энг муҳими, парламент аъзоларининг ушбу ташаббуси Президентимиз Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланиб, мамлакатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартиби ҳамда шартларини белгилаб берувчи фармойиши қабул қилинди.

Мазкур тажрибани ўтказиш бўйича Ишчи комиссияси ташкил этилиб, унинг биринчи йиғилишида 2013 йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш масаласи муҳокама

этилди. Агар яқин тарихимизда рўй берган воқеа-ҳодисалар, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ таҳлил этсак, ана шу даврда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бу жараёнда халқроқ стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилишига алоҳида эътибор қаратилганини кўраимиз. Ҳуқуқларимиз кафолати бўлган Конституциямизда эса сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи мустақкамлаб қўйилди. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга, уларнинг ҳуқуқи ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилди.

2 >>>



Сониқ ЗОИР олган сурат

Кун тартибида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг парламентдаги фракцияси ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини муҳокама қилди

Тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад жойлардаги партия фаолиятининг маинфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, мазкур масала юзасидан ҳуқуқни қўллаш

амалиёти устидан жамоатчилик назорати ишгиросини кучайтиришдан иборат бўлди. Зеро, мулоқотда алоҳида таъкидланганидек, оилавий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий нуқтаи на-

зардан бизнеснинг янги шакли сифатида ниҳоятда долзарбдир. Бунинг учун мамлакатимизда барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган.

3 >>>

Замонавий медиа технологиялардан қандай фойдаланилмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «ОАВ фаолиятига замонавий медиа технологияларни жорий этишнинг долзарб масалалари» мавзудаги семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди

Оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўлама, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли қўрилмаган даражада кучайиб бораётган бир пайтда интернет журналистикасини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш миллий матбуотнинг халқаро медиа маконидаги ўрни ва нуфузини мустақкамлашга хизмат қилади, албатта.

Бундан қарийб ўн йил аввал Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига асос солингани, ўтган давр мобайнида жамғарма ва унинг филиаллари томонидан мамлакатимизда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилгани эътиборга моликдир.



дий-техник база яратилди. — Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш, интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича илғор тажрибалардан

фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди қўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев.

2 >>>

САҲНАДА ЖАҲЖИ МОДЕЛЛАР

12 апрель куни пойтахтимиздаги Миллий санъат маркази «Болажонлар — ширинтойлар-2013» болалар моласи фестивалига мезбонлик қиладиган бўлиб Маълумотларга кўра, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Осиё ранжи» Ўзбекистон модельерлари ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этиладиган аниъавий фестивалда 3-14 ёшгача бўлган 227 нафар жажжи модель профессионал ва мажкур соҳада энди иш бошлаётган дизайнерлар томонидан тайёрланган турфа хил либосларни намойиш этилди. FundForum.uz сайтида хабар қилинишича, бу йилги фестивалда иштирок этадиган 38 нафар дизайнер ўз коллекциялари орқали юртимиз ёшларининг ҳаёт тарзи, дунёқарани ва феша-творини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Таъкидлаш жоиз: «Street style» (куйлик кийимлар), «Кичик хоним» (байрам талбирлари либослари), «Фантасёрлар», «Шарқона услублар», «Қўл меҳнати», «Сехрилик ипақ», «Casual» (ҳар томонлама кулай кийимлар) каби 7 йўналиш бўйича ўтказилган галанамоишларда ҳайрат аъзоларининг энг юқори баҳоларини олган гойиларни тақдирлаш маросими ҳам шу куни бўлиб ўтди.

О'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Жиддий хулосалар чиқарилиши керак

Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нуқтида баён этилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган устувор йўналишлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, турли соҳа ва тизимларда фаолият олиб бораётган юртдошларимиз, айниқса, тадбиркор ва фермерлар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда

Айниқса, Юртбошимизнинг «Шахсан мен ўзбек боласи қасрда бўлмасин, доимо ўз юртига сажда қилиб, унинг туپроғини кўзига тўтиё этиб яшашини истардим. Ҳар қандай шароитда ҳам ор-номус деган тушунчани баланд тутиб, шундай буюк юртга муносиб фарзанд бўлиб яшаш керак», деган фикрлари ҳар бир фуқаронинг Ватанга муҳаббат туйғусини янада кучайтиришга қаратилган юксак даъватдек янгради.

Бундан эса, айниқса, сиёсий партиялар жиддий хулосалар чиқарилиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2 миллион 700 минг, жумладан, 1 миллион 600 мингга яқин меҳнатга яроқли киши истиқомат қилаётган вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришилган улкан ютуқлар истиқлолнинг дастлабки йилларидаюқ тўғри танланган тараққиёт йўли натижасидир.

3 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 2 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилан чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия доллари	▲ 2125,43
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3103,20
1 Дания кронаси	▼ 350,60
1 БАА дирҳами	▲ 556,58

1 АҚШ доллари	▲ 2044,27
1 Миср фунти	▲ 300,50
1 Исландия кронаси	▲ 16,50
1 Канада доллари	▲ 2009,70

1 Ҳитой юани	▲ 329,31
1 Малайзия ринггити	▲ 660,29
1 Польша злотийси	▼ 627,15
1 СДР	▼ 3064,77

1 Туркия лираси	▲ 1128,74
1 Швейцария франки	▼ 2148,25
1 ЕВРО	▼ 2631,82
10 Жанубий Корея вони	▼ 18,32

10 Япония иенаси	▲ 217,41
1 Россия рубли	▼ 65,77
1 Украина гривнаси	▲ 255,76

Ислоҳот

Кун тартибда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Маълумки, оилавий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши нафақат ободлик ва фаровонликни таъминлаш, балки бандлик муаммосини ҳал этиш ва аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалишига ҳам бевосита таъсир этади. O'zLiDePнинг бу борадаги устувор вазифаси эса оилавий корхона афзалликлари, тадбиркорликнинг самарали шакллари ривож йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган кенг миқёсли тушунтириш ишларини йўлга қўйишдир, десак муболага бўлмайди. Модомики, тадбиркорларга берилган имтиёз ва кафолатлардан бохабарлик улар фаолиятини янада жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, моддий-интеллектуал мулк соҳиблари манфаатини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, сиёсий ташкилот сифатида демократик ҳуқуқий давлат куриши ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эришиш қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши, қабул қилиниши ҳамда улар ижросининг тўлақонли таъминланишида масъулиятни ўз зиммасига олган, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадусуф Тешабоев. — Бугунги мулоқот ҳам ана шу масъулият тақозоси ҳамда партия электорати вакилларининг ўзига хос ташаббуси натижасидир. Таъкидлаш керакки, 2012 йилда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Алоҳида эътироф этиш жоизки, қонун билан ушбу шаклдаги тадбиркорлик фаолияти учун жуда катта имтиёз ва преференциялар жорий қилинди.

O'zLiDeP электорати манфаатларига бевосита алоқадор бўлган муҳим ҳужжат қабул қилинган, партиянинг парламентдаги фракцияси, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан мазкур қонун ижроси юзасидан доимий жамоатчилик назорати олиб борилиб, махсус лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда.

Амалий мулоқотда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганиш жараёнида аниқланган айрим масалаларга ечим топиш бўйича ҳам аниқ таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

— Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан эса жиддий янгиллик бўлди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилиев. — Чунки дунё мамлакатлари қонунчилик тарихида бизнеснинг «оилавий корхона» тарзидаги бутунлай янги ташкилий-ҳуқуқий шакли кузатилмаган ёки қонун даражасида мустақамланмаган эди.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда оилавий тадбиркорлик иккита шаклда, яъни юридик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолда амалга оширилиши муносабати белгилаб қўйилган. Юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган яқка тартибдаги бизнес кўпчиликка яқин имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан иборат афзалликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Оилавий корхона оила аъзолари турар-жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонунда қуйидаги қўлайликлар ҳам яратилган:

биринчидан, оилавий корхона иштирокчилари устав фондини энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгиласа, иккинчидан, ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар-жойларни ноту-



рар-жойларга ўтказиш талаб этилмайди. Учинчидан, оилавий корхона коммунал хизмат ҳақини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайди. Шунингдек, оилавий корхона Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланган рўйхатга кўра, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинган.

Мулоқот иштирокчилари такрорланганларидек, мазкур қонун ўз ишбилармонлиги ва шахсий ташаббусини ривожлантириш ҳисобига оилавий фаровонликка эришишга интилаётган тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, фермерлар, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасидаги юқори малакали мутахассислар ҳамда мамлакат фуқаролари имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам тадбирда манфаатдор ташкилотлар вакилларининг юридик ва юридик бўлмаган шахсларни энергия ресурсларига улаш, руҳсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларини тартибга солувчи аниқ идоравий меъёрларни ишлаб чиқиш зарурати алоҳида эътибор қаратилди.

Мисол учун, патент асосида ишловчи тадбиркорлик субъектларини оилавий корхона сифатида рўйхатга олиш ва улар фаолиятига қўлай шароитлар яратишда манфаатдор идоралар масъулиятини оши-

риш, уларни рўйхатдан ўтказувчи шахслар учун туркум ўқув-семинарлар ўтказиш мақсада мувофиқдир.

Тадбирлар иштирокчилари оилавий тадбиркорликка кенг аҳоли қатламини жалб қилиш учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини тасдиқловчи қатор масалалар бор, деган хулосага келилди. Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга талаб даражасида эътибор берилмаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ваҳоданки, таҳлиллар жараёнида Андижон вилоятидагина 5000 дан зиёд оилавий корхона ташкил этиш ва улар асосида 15 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш имкониятлари аниқланди. Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида ҳам оилавий корхоналарни ривожлантириш учун катта салоҳият ва имконият мавжуд. Булар ахборот технологияларни ривожлантириш, ҳунармандчилик, musiқа асбобларини ясаш, тикувчилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, заргарлик, жадал суръатлар билан ривожланаётган сайёҳлик соҳаси учун совғабор буюмларни тайёрлашдир.

Шунинг учун ҳам амалий мулоқот иштирокчилари умумийлиги аҳамиятга эга долзарб, истиқболли лойиҳаларни рўйхатга чиқаришда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур, деган қарорга келилди.

Хабарлар

ФАРҒОНАДА ЯНА 6 МИНГУДАН ЗИЁД ИШ ҲАҚИНИ ЯРАТИЛАДИ

Фарғонада «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш» ҳудудий Дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятда мингдан ортиқ янги сервис шохобчаси курилади. Аҳамиятлиси, уларнинг 1600 таси қишлоқ жойларида ташкил этилиб, асосан ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳудудий Дастурга мувофиқ, объектларни барпо этиш учун жами 80 млрд. сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

МЕН ҲАМ ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛАМАН!

Юргимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаётган ҳарбий хизматчиларга алоҳида эътибор қаратилаётгани уларнинг хизмат вазифаларини аёло даражада ўташлари учун мустақам замин яратмоқда. Яқинда Қувасой шаҳарчасида ҳам ҳарбий хизматчиларга намунавий лойиҳа асосида барпо этилган 48 та янги уй-жой калитлари топширилди. — Президентимиз гамҳўрлиги туфайли шундай замонавий уйга кўчиб ўтди. Келажакда мен ҳам дадам сингари ҳарбий бўлиб, Ватанимга хизмат қилоқчиман, — дейди ҳарбий хизматчилардан бирининг ўғли Сардор Мамажонов. **Ахроржон МУСУРМОНОВ.**

Жиддий хулосалар чиқарилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Давлатимиз раҳбари нутқида ҳар қайси оиладаги фаровонлик одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати, жамиятимизнинг ижтимоий барқарорлиги, аввало, аҳолининг иш билан қандай таъминланишига, уларнинг иши қандай ташкил этилганига, ўз меҳнатига муносиб даромад топишига чамбарчас боғлиқлиги бежиз таъкидланмади, албатта.

Ҳўш, бундай ёндашувдан тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ифода этаётган, 170 мингдан зиёд аъзоси бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари қандай хулосалар чиқаришлари керак?

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Президентимиз нутқида баён этилган ана шундай мулоҳазалар, белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида O'zLiDePнинг бу борадаги вазифалари муҳокама қилинди.

Маълумки, айни пайтда пойтахт вилоятида 6 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Улар учун қўлай шарт-шароит яратиш, қишлоқ мулкдорлари оғирини енгил қилиш учун тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, сугорилаётган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида кейинги 5 йилда 46 миллиард 100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 173 та замонавий техника, 95 та экскаватор ва бульдозерлар харид қилинганга халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навабдан ташқари сессиясида алоҳида эътибор қаратилди.

Зеро, ислохотлар туфайли барча ҳудудларда бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. Айниқса, кейинги 5 йил давомида 1 миллиард 500 миллион доллар миқдорда маблағ сарфлаш, 58 та йирик инвестиция

лоийҳаси амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, пойтахт вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, sanoat соҳасини изчил ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратишда мустақам замин бўлди.

«Обод турмуш йили»да эса қарийб 545 миллион доллар маблағ сарфланиб, 69 та йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш борабаридан партия электорати бўлган тадбиркорлар учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим туманлардаги фермерлар фаолияти талаб даражасида ривожланмапти. Ҳўш, яқиндагина ташкил этилган Фермерлар кенгаши билан мустақам алоқа ўрнатган O'zLiDeP бундай ҳолатларда қандай йўл тутиши керак?

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навабдан ташқари сессиясидаги «Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш — муқаддас бурчимиз» номли нутқида белгилаб берилган вазифалар O'zLiDePнинг барча бўғинларидаги аъзолари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада тақомиллаштириши тақозо этади.

Йиғилишда Тошкент вилоятининг айрим туманларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга O'zLiDePнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари, жойлардаги партия фаолларининг лoқайдлиги, эътиборсизлиги сабаб бўлгани ҳам очик эътироф этилди.

O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Т.Файзиев халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши сессиясида белгилаб берилган вазифалар O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқиши лoзимлигини қайд этилди.

асосида кенгашнинг 2013 йилдаги иш режаси қайта кўриб чиқилаётганини таъкидлади.

Аммо нега айрим туманларда йўл қўйилган хатоларга маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари томонидан ўз вақтида муносабат билдирилмади? Баъзи ҳолларда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувлар юз бераётганига депутатлар нега сукут сақлаб келдилар? Шунинг учун ҳам O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Б.Якубов Президентимиз нутқида баён этилган мулоҳазалар, айниқса, танқидий фикрлар тўғрисида O'zLiDeP ва унинг жойлардаги масъулларига ҳам тегишли эканини таъкидлади. Тошкент вилоятининг бир қатор туманларидаги депутатлар фаолияти таҳлил этилса, айнан танқидга учраган туманларда бирон-бир масала халқ депутатлари туман сессиясига киритилмагани маълум бўлмоқда. Фракция раҳбари ана шундай ҳудудлардаги партия фаоллари ишига ҳам жиддий баҳо бериш лoзимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси А.Бўриев эса навабдан ташқари сессиядан кейин вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз бериши муқаррарлигини таъкидлаб, вилоят партия ташкилоти фаолиятида ҳам кескин ўзгаришларга эришиш лoзимлигини қайд этиди.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзоси С. Баратова, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати Б. Тоғоев, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Акрамова сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқиши лoзимлигини қайд этилди.

Тадбир

ДАСТУР ИЖРОСINI ТАЪМИНЛАШДА ОАВНИНГ АЛОҲИДА ҲИСОСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ОАВ иштироки» мавзисида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил қилинган тадбирда марказий ва ҳудудий нашрларда фаолият олиб бораётган журналистлар иштирок этилди. Семинарда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори ўринбосари А.Ҳамдамов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари О.Парпиева, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Сайлов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғулмонов сўзга чиқиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқ фаровонлиги ва юрт ободлигини таъминлашга хизмат қилаётгани, бундай хайрли ишларни ОАВ орқали ёритиш журналистлар ва ахборот хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият юклаганини таъкидладилар. Хусусан, сўзга чиққанлар бугунги кунда журналистлар оилавий корхоналарни ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари талабаларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун, шунингдек, банклардан истеъмол кредитлари ажратилишини енгиллаштириш, жойларда электрон хизмат турларини йўлга қўйишни изчил давом эттириш, соғлиқни сақлаш тизимини янада тақомиллаштириш, қишлоқларда замонавий уйлар ва муҳандислик-коммунал инфратузилмаларини барпо этиш, фермерлик, хусусан, богдорчилик ва чорвачиликни ривожлантирган ҳолда аҳоли даромадлари кўпайишини таъминлаш каби масалаларга кўпроқ ўрғу бериш, бу борада жамоатчилик назорати ўрнатилишига эътибор қаратиш лoзимлигини таъкидладилар.

Шўхрат ХҲҲАЕВ тайёрлади.

Худудларда

Оролбўйи аёллари ислоҳотларда фаоллик кўрсатишяпти

«ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИНИ МУСТАҚАМЛАШ, УЛАРГА НИСБАТАН ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН МУХИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАНИ О'ZLiDeP'НИНГ БУ БОРАДАГИ ИШЛАРИНИ СИФАТ ЖИХАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

Наргиза КАХҚОРОВА,
«XXI asr»



фонди ва бошқа бир қатор нодавлат ноижора ташкилотларнинг худудий бўлиналари билан ҳамкорликда қўзғалган мақсадларни рўйга чиқараётмиш.

Умуман, Оролбўйи худудда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу жараёнга барча бўғиндаги партия фаолларини кенг жалб этиш доимий эътиборда. Ижтимоий-сиёсий фаоллик самараси ўлароқ, эндиликда аёллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янада самарали меҳнат қилмоқда. Хусусан, Чимбой туманидаги «Нуримова Жамила» хусусий корхонаси раҳбари Жамила Нуримова қандолатчилик хечи очиб, 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Ана шундай фаоллардан яна бири Нургул Нагметова миллий ва замонавий йўналишдаги тикув цехини ташкил этиш орқали 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратди.

— Хонадонларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши нафақат оила, балки жамият учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтага назардан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш чоралари

кўришмоқда, — дейди О'zLiDeP Қонлиқул туман кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари, «Шуҳрат» медалга соҳибаси Гулiston Аралбаева. — Ўтган йили депутатларимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик ташкилоти гуруҳи иштирокида томорқа хўжаликларидан сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ташаббуси лойиҳаси асосида тумандаги 25 нафар аёл иш билан таъминланди. БМТнинг аёллар ривожланиш жамғармаси ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликдаги «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳаси асосида республикадаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 20 нафар хотин-қизларнинг ҳар бирига «Микрокредитбанк»нинг туман филиали маблағлари эвазига чорва моллари олиб берилди. Коллежни битирган беш нафар овуллик қиз «Хунарманлар» уюммаси аъзоси сифатида ўз фаолиятини бошлаш имконига эга бўлди. Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган

бундай ишлар барча туман ва шаҳарларда бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги имтиёзлар эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб эътиборини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борада ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги яққол сезилиб турибди.

Йил бошидан бери «Аёллар қаноти» ташаббуси билан намунали бизнес лойиҳа эгаларига 170 млн. сўм миқдоридagi кредит маблаг берилган ҳамда Қорақалпоғистонда аёллар тадбиркорлигига О'zLiDeP' томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қорақалпоғистонлик опа-сингилларимиз фаолликни ошириб, исроҳотлар билан бошқичма-бошқич қўзғалган мақсадларидан бири. Ана шу мақсадни дилга жо этган филолий, тиниб-тиничмас инсонлар бор экан, жамиятимиз янада равнақ топаверади.

ХАБАРЛАР

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА — 176 МИЛЛИАРД

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Миллий мағбуот марказида «24 март — Халқаро силга қарши курашиш кун» муносабати билан мағбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2011 йилда дунёда сил билан касалланган 8,7 миллион киши рўйхатга олинган бўлиб, 1,5 миллион нафар бемор ана шу дард оқибатида вафот этган. Ўтган йилда эса касалланиш 32,5 фоизга, ўлим ҳолати 60 фоизга камайган. Маълумотларга кўра, амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда бу каби эпидемиологик касалликларга чалинганлар Марказий Осиё давлатлари ва Россияга нисбатан 1,5-2 баробар кам учрамоқда. Республикада аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган дастур ижросини таъминлаш мақсадида 176 млрд. сўм ажратилган бўлиб, Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларида махсус даволаш марказлари барпо этилиши ҳамда жойлардаги мавжуд шифохоналар тубдан таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг натижасида ўтган йили сил билан касалланиш ва унинг оқибатида ўлиш даражаси 2011 йилга нисбатан 2,5 фоизга камайди.

Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

ОЛМАЛИҚДА ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ СОНИ БЕШ НАФАРГА КўПАЙДИ

Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланган Наврўз айёминини олмалиқлик маслакдошларимиз ҳам узгача руҳ ва кайфият билан кўтиб олишди. О'zLiDeP Олмалик шаҳар кенгаши ҳамда «Билим бисёр» ўқув марказида БПТ фаоллари баҳор байрамига бағишлаб икки кўлик «Сумалак сайи»ни ташкил этишди. Унда кенгаш тизимидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, 35 «Ҳамза» МФЙ вакиллари ҳамда худудда фаолият юритаятган тадбиркорлар иштирок этишди.

Сайлда халқ миллий кўпиклари ва лапарлари ижро этилди. Кекса авлод вакилларининг сумалак тарихи ва уни тайёрлаш услублари, шунингдек, олоб-ахлоққа оид суҳбатлари байрам қатнашчилари, айниқса, ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир ниҳоясида халққа сумалак ва ош тарқатилиб, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. «Билим бисёр» ўқув марказида тахсил олиб, хунар ўрганган, О'zLiDePга ўтин истагини билдирган 5 нафар йигит-қизга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ тайёрлади.

Битирувчилар бандлигига бирламчи эътибор

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ 1549 ТА ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАСИДА 1 МИЛЛИОН 700 МИНГГА ЯҚИН ЁШЛАР ТАҲСИЛ ОЛИШАЯПТИ. ХУШ, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КўРИЛМОҚДА?

Шуҳрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Хайрулла Зикриллаевнинг маълум қилишича, ўтган йили меҳнат бозорига 501477 нафар ёш мутахассис кириб келган бўлса, жорий йилнинг январь ҳолатига шулардан 457414 нафари ёки 91,2 фоизнинг бандлиги таъминланган. Бошқача айтганда, 445580 нафари ишга жойлашди, 11834 нафари эса олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Битирувчиларнинг 190744 нафари ёки 42,8 фоизи бевосита ўзи амалиёт ўтаган корхонага ишга жойлашгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда коллеж битирувчиларини эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда металлургия (95,2 фоиз), автомобилсозлик (79,3 фоиз), қишлоқ ва сув хўжалиги (62,2 фоиз), геология ва тоғ-кон саноати (60,6 фоиз) соҳаларининг салоғи йил сайини ошириб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масаласи ҳам мутасадди ташкилотларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шу мақсадда тижорат банклари томонидан 2012 йилда 48,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши натижасида 9,2 минг нафардан ортиқ битирувчи ўз бизнесини йўлга қўйди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларга бу борада амалий кўмак кўрсатиш мақсадида «Ёш тадбиркор — юрға мададкор», «Менинг бизнес-юғ» каби мавзуларда турли семинарлар ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

2013 йилда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида республика бўйича 1052 та ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш графикаларини

лаб чиқилди. Унга кўра, мазкур тадбирларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси (100 та), Самарқанд (160 та) ва Тошкент (100 та) вилоятлари ҳамда Тошкент (120 та) шаҳрида ўткази-

лардаги бўғинлари хузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» жамоат кенгашлари тузилди. Мазкур кенгашлар фаолиятида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, унинг жойлардаги худудий бош-

ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ
МАҚСАДИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ
ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛДА 53,5
МИЛЛИАРД СЎМ МИҚДОРИДА
ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛИШИ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА
ИШБИЛАРМОНЛИК КўНИКМАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА 80
СОАТЛИК «ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕС
АСОСЛАРИ» ФАНИ ЎҚИТИЛАЁТГАНИ
ҲАМ МУХИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

лини режалаштирилган.

Бундан ташқари самарали фаолият юритаётган корхона ҳамда ташкилотларда кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари, ногирон битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида 55,3 мингдан зиёд квота иш ўринлари ажратилди. Умуман олганда, «2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дастури асосида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун жами 475,1 мингта янги иш ўрни яратиб белгиланган.

Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилда 53,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш бўйича 80 соатлик «Тадбиркорлик ва бизнес асослари» фани ўқитилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Барқамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилган. Бу механизмнинг самарасини кучайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва унинг жой-

қармалари ва таълим муассасалари фаол иштирок этмоқда.

О'zLiDeP'нинг тегишли вазирлик ва идоралар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқали битирувчилар бандлигини таъминлаш жараёнида қатор истиқболли лойиҳалар билан иштирок этаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, партиянинг Сайловолди шартномасида белгилаб қўйилганидек, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳа ходимларининг мақомини кўтаришга эришиш устувор вазифалар сирасига кирди.

Мутасадди муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширилган келинаётган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» сингаги тадбирлар қаторига ўтган йили «Хавфсиз интернет» лойиҳаси ҳам қўшилди. Шу маънода партия фаоллари «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғига ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига оид дарслик, ўқув дастурлари ва қўлланмаларининг электрон вариантларидан ташқари турфа мавзудаги қизиқарли ахборот ва янгиликлар киритилаётгани, ҳозирги кунда «Медиа-таълим» ўқув курсини тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажаги, ўзбек миллигининг, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга берилаётган эътибор, уларга кўрсатилган таълим ва иш-хўжалик боғлиқ.

99 ДОНА НОЁБ ТАНГА УШЛАБ ҚОЛИНДИ

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб қилиниши масалаларини тартибга солиш тўғрисидаги» 131-сонли қарорига кўра, элик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилмапти. Агар маданий бойликларнинг мамлакатимиздан олиб чиқилиши ёки вақтинча олиб чиқилиши зарурати бўлган тақдирда бу иш тегишли илора экспертларининг хулосаси ва руҳсати билан амалга оширилади.

Шунга қарамай, айрим шахслар томонидан маданий бойликларимизни ҳеч қандай ҳужжатларсиз қинғир йўллар билан олиб чиқини ҳолати учрамоқда. Яқинда аша шушай ҳолатлардан бири «Келес» темир йўл божхона пости ховимлари томонидан фош этилди. «Тошкент-Москва» йўналишидаги поезлда кетаётган янгийўлик Н.Долидзета тегишли қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда божхона баённомасида қайд этилган ва озгак сўролда маълум қилинмаган 99 дона ҳар хил ёзув ва ўлчамдаги, XVIII-XX асрларда Чор Россияси ва Буюк Британия ҳудудида муомалала бўлган кумуш ва бошқа металллардан ишланган қадимий тангалар ҳамда етти дона XIX-XX асрларга дахлдор қадимий орден ва медаллар борлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи илоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 131 та қўнғунбузарлик ҳолати давомида 2,5 миңг донага яқин турли ноёб тарихий ва маданий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Айни пайтда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона текширувлари ва сурштирув ишлари лавом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати.



КОРАКАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Қонлиқўл туманидаги «Жана тилек» БПТда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат ҳамда бизнес тузилмалари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди.



ХОРАЗМ.

«O'zLiDeP»нинг бирламчи вазифаси — БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш. Гурлан туманида бўлиб ўтган ана шу мавзудаги очиқ мулоқотда жорий йил режалари кўриб чиқилиб, мавжуд муаммолар муҳокама қилинди. Тадбирда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда БПТлар амалга ошириши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.



ЖИЗЗАХ.

Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах вилояти бўлимида «Сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари иш самарадорлигини ошириш» мавзуда семинар-тренинг ўтказилди. Унда депутатлар билан ҳамкорликда электротар манфатларини ҳимоя қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ташкилий-партиявий ишларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

БОШААНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2013 йил 4 апрель, пайшанба, 13 (489)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Ғузурликлар учун мустаҳкам таянч нуқтаси

ҚУЙИ БЎҒИН ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСИЙ КУЧНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ
ҲИСОБЛАНИБ, УНИНГ АЪЗОЛАРИ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ КУЧЛИ БЎЛСА,
ТАРАФДОРЛАР САФИ КЕНГАЙВЕРАДИ

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Қашқадарёда илгор меҳнат жамоалари кўп. «Шўртангаз-кимё» мажмуаси улар орасида ўзининг иқтисодий салоҳияти билан бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Айни кунда мажмуа қoшилаги бошланғич ташкилот ўз атрофига оз эмас-кўп эмас, 1415 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган. Шу боис сиёсий-тарбиявий ишлар кўлами ҳам кенг. Мавжуд 25 та пехда партия ташкилотчилари фаолият кўрсатишмоқда. Улар орасида фаол, ташаббускор ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган сай-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ойма-ой ўтказиладиган давра суҳбатларида партиянинг дастурий мақсадларини рўйбга чиқариш, тарғибот ишларини кучайтириш, ёшлар ва тadbirkorларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш юзасидан атрофда фикр юритилапти. Ғузур, Дехқонobod туманларида ташкил этилган ва кўпчиликлари катта таассурот қолдирган тadbirkorлар ҳам ўттиздан ортиқ фермер ва тadbirkorнинг муаммолари атрофида ўрганилиб, ижобий ҳал этилганлиги партия ташкилотининг кенг қамровли фаолиятини далиллат беради.



лари билан таъминланди. Туман марказидаги «Болалар спорт мажмуаси»да нуфузли турнир ва мусобақалар ташкил этилмоқда.

Ишчи-хизматчилар саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат шартларини яхшилаш ҳамда кўнглини ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. «Лочин» оромгоҳи эшикларини уларнинг фарзандлари учун ҳаммаши очиб, Меҳнатда ўрнак кўрсатган илгорлар ўз вақтида рағбатлантирилмоқда.

Кейинги йилларда Шўртангаз-кимё шаҳарчасининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда асосан O'zLiDeP аъзоси бўлган ёшлар истекомат қилинади. Уларнинг ташаббуси билан кўплаб тadbirkorлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир», 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиrлар Мақамаси мажлисидида «Бош мақсадимиз —

кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзудаги маърузаларини ўрганишга бағишланган суҳбат ва мулоқотлар барчала катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, ҳамюртларимиз истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳақида тобора кенгрок тасаввурга эга бўлмоқдалар.

Яна бир гап. Юқорида таъкидланганидек, «Шўртангаз-кимё» мажмуаси Ғузур тумани ҳудудида жойлашган. Бу ерда ичимлик сув муаммоси кўпдан бери ҳал этилмади келинар эди. Мажмуа раҳбарияти ва бошланғич партия ташкилотининг сай-ҳаракати билан аҳолининг кўп йиллик орузи ушаладиган бўлди. Айни пайтда Ғузур, Дехсан, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир», 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиrлар Мақамаси мажлисидида «Бош мақсадимиз —

лаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда улкан мажмуада ёш мутахассислар соҳанинг етук, тажрибали билимдонлари га бириктириб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар дунёдаги йиллик нефт-газ компанияларида бўлиб, ўз малакаларини ошириб қайтишяпти. Бугун корхонадаги асосий ишлаб чиқариш участкалари O'zLiDeP фаоллари — ёшларга ишониб топширилган. Жамоа аъзолари технологик жараёнларни янгилаш ва такомиллаштириш орқали корхона нуфузини янада оширишни дилга тутишган.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси сиёсий партиялар ва уларнинг ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун, энг аввало, куйи бўгинлардан катта масъулият талаб этилади. Чунки улар бевосита аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. «Шўртангаз-кимё» мажмуаси қошидаги БПТ фаолиятига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, тарғибот-ташвиқот ишлари давр талаблари даражасида ташкил этилганига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро халққа янада яқинроқ бўлиш, O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш асосий шиорга айланиши лозим.

лаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси сиёсий партиялар ва уларнинг ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун, энг аввало, куйи бўгинлардан катта масъулият талаб этилади. Чунки улар бевосита аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. «Шўртангаз-кимё» мажмуаси қошидаги БПТ фаолиятига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, тарғибот-ташвиқот ишлари давр талаблари даражасида ташкил этилганига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро халққа янада яқинроқ бўлиш, O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш асосий шиорга айланиши лозим.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси сиёсий партиялар ва уларнинг ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун, энг аввало, куйи бўгинлардан катта масъулият талаб этилади. Чунки улар бевосита аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. «Шўртангаз-кимё» мажмуаси қошидаги БПТ фаолиятига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, тарғибот-ташвиқот ишлари давр талаблари даражасида ташкил этилганига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро халққа янада яқинроқ бўлиш, O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш асосий шиорга айланиши лозим.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси сиёсий партиялар ва уларнинг ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун, энг аввало, куйи бўгинлардан катта масъулият талаб этилади. Чунки улар бевосита аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. «Шўртангаз-кимё» мажмуаси қошидаги БПТ фаолиятига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, тарғибот-ташвиқот ишлари давр талаблари даражасида ташкил этилганига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро халққа янада яқинроқ бўлиш, O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш асосий шиорга айланиши лозим.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси сиёсий партиялар ва уларнинг ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун, энг аввало, куйи бўгинлардан катта масъулият талаб этилади. Чунки улар бевосита аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. «Шўртангаз-кимё» мажмуаси қошидаги БПТ фаолиятига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, тарғибот-ташвиқот ишлари давр талаблари даражасида ташкил этилганига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро халққа янада яқинроқ бўлиш, O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш асосий шиорга айланиши лозим.



Етакчилик масъулияти

МАМЛАКАТ СИЁСИЙ МАЙДОНИДА O'ZLIDER
ФАОЛИЯТИ БОШЛАНГАН ДАМЛАРДАН ОХАНГАРОН
ТУМАНИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИШИНИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, УЛАРГА ТАШАББУСКОР ЕТАКЧИЛАР
САЙЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН ЭДИ

Абулфайз
САЙИДАСКАРОВ,
«XXI asr»

Айни пайтда ҳам худудда «Кучли қуйи бўгиндан — кучли партияга» шиори қатъий амал қилинмоқда. 1093 нафар партия аъзосини бирлаштириб турган 48 та бошланғич ташкилот орасида эса «Гулилола» хусусий корхонаси қошидаги қуйи бўгин аъзолари фаолиги ва ташаббускорликлари билан боғлиқ БПТларга ўрнак бўлмоқдалар. Мана, неча йилдирки, Дилафрўз Йўлдошева корхона бош ҳисобчиси бўлиб билан бирга бошланғич ташкилотга ҳам етакчилик қилмоқда.

У етакчилик қилаётган БПТ маҳаллий кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи билан изчил алоқа ўрнатган, — дейди туман кенгаши депутати Шавкат Комилов. — Бу эса электоратимиз бўлмиш тadbirkorлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг масъулиятини ошириш, жойларда партиявий сиёсий ишларни намунали йўлга қўйишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётди.

БПТ етакчисининг ўз юмушларидан ортиб, партиявий-сиёсий фаолиятини ҳам кўнгиладигдек олиб бориши маслакдошларга ибрат бўлмоқда. Зеро, «Гулилола» хусусий корхонасининг фаолият кўлами, иқтисодий салоҳияти ва кўрсаткичлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Айтайлик, мазкур корхонанинг биргина 2012 йилдаги товар айланмаси 3 млрд. 300 млн. сўмни ташкил этди. Бундан атиги 5 йил олдин бу кўрсаткич 700 млн. сўмдан зўрға ошар эди.

Кези келганда таъкидлаш керакки, БПТ етакчиси ўз фаолияти орқали бошқалар ҳурматини қозониш билан бирга, аҳолида O'zLiDePнинг, партия фаоли имижининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Таркибининг 62 фоизи ёшлар, 71 фоизи аёллардан иборат меҳнат жамоаси вакилларининг 50 на-

фарга яқини O'zLiDeP аъзоси. Яна бир неча ходим партияга ўтиш истагини билдириб ариза топширган. Хозирда улар ҳар томонлама ўрганилиб, партиявий топшириқлар билан синаб кўрилмоқда. Партия сафидаги ташаббускор ёшлар ва хотин-қизлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Биз хусусий тadbirkorлик учун кулай шароитлар яратилган бир даврда меҳнат қилаймиз, — дейди касб-ҳунар коллежи битирувчиси Достон Асракулов. — Ўқини туғатгач, шу ерда ишлаб, тажриба орттирдим. Яқинда алоҳида тadbirkorлик субъекти сифатида фаолият бошлашга муваффақ бўлдим.

Д.Йўлдошева каби фаоллар, устозлар яқиндан ёрдам бериши. Корхонада O'zLiDePнинг мавқеи баланд. Унинг сафида бўлиш, тadbirkorлик ҳаракати ривожига муносиб улут қўшишни дилмига туққанман. Компьютер сирларидан яхши хабардорлигим турли партиявий тadbirkorлар ва тақдиротларни кўнгиладигдек ўтказишда жуда кўп келяпти.

Таъкидлаш жоизки, корхонада Достонбекка ўхшаган иқтидорли ёшлар талайгина. Улар эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, ислохотларни жаддалаштиришга муносиб ҳисса қўшишни ўзлари учун шарафли бурч, деб билинади.

Бу ҳам жамоанинг бир омадидир. Ғоёвий-сиёсий ишлар таъсирчанлиги ва самарадорлиги опирайлаётганлиги барча соҳаларда яққол намоён бўлиб турибди. Яқинда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида Д.Йўлдошева БПТ етакчилигига қайта сайлангани ҳам бежиз эмас.

Маълумки, «Гулилола» хусусий корхонасига қарашли «Мажнунтол» мажмуаси Тошкент — Андижон — Уш йўналишида жойлашган бўлиб, ўз кўрку салобати билан аъза тарқиб туради. Икки қаватли замонавий бинолар, аёло даражадаги сервис хизмати ҳар қандай нозик

дилли кишини ҳам бефарқ қолдирмайди. «BABY CITY» (болажонлар шаҳарчаси), ўйин майдончалари, ресторан ва банкет заллари, замонавий 5D кинотеатр, энг сўнгги русумдаги спорт анжомлари билан жиҳозланган жисмоний тарбия зали, бепул автомобиль тўхташ жойлари мижозлар хизматида. Шу маънода мажмуа ўзига хос кўнгилолар шаҳарчани эслатида. Энг муҳими, корхонанинг муваффақиятли фаолиятини нафақат мижозлар, балки атроф-маҳалла аҳли ҳам хурсанд.

— Эгуликнинг умри боқий, — дейди «Навбахор» МФЙ раиси Холжўра Раҳмонов. — Йигирма йилдан бери шу маҳаллага бошчилик қилиб келаман. Бугун орамизда эл мушкуллини осон қилаётган бағрикенг ва саховатли тadbirkorлар жуда кўп. Уларни ҳар қанча алқасак арзийди. Мана, «Гулилола» корхонаси раҳбариятини олайлик. Уларнинг кўмаги билан ўтган йили маҳалла ҳудудидаги кўприк қайта таъмирланди. Қарийб 300 метрдан иборат автомобиль йўлига бетон қоплама ётқизилди. Бундай айрилишларга эса бошланғич партия ташкилоти аъзолари бош бўлмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, БПТ фаолиятини корхонанинг кўп қиррали ҳаётидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жойларда ғоёвий-сиёсий ишларни янада кучайтириш талаб этилади, албатта. Бу жараёнда эса БПТ халқ ва юқори ташкилотлар ўртасидаги ўзига хос кўприкка айланмоқда. Партия фаоли Д.Йўлдошева ва унинг атрофига уюшган маслакдошлар буни дилдан ҳис этиб, сиёсий масъулиятини янада оширишмоқда. Зеро, давр билан ҳамқадам бўлиш, O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини йўлида сидқидилдан хизмат қилиш уларнинг эзгу мақсадидир.

ХАБАРЛАР

БИЗНЕСДА БИЛИМ КЕРАК

O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида битирувчи талабаларни тadbirkorликка жалб этиш жараёнларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Молия муассасалари вакиллари, солиқ идораси, Савдо-санаят палатаси ҳудудий бошқармаси, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги тadbirkorлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси мутахассислари иштирок этган тadbirkor соҳага оид қонунлар мазмун-моҳияти, имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

— Бундай тadbirkorларнинг олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари битирувчилари иштирокида ташкил этилаётгани бежиз эмас, — дейди вилоят кенгаши қошидаги Тadbirkorлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Қодир Шойимов. — Зеро, O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, улар учун касбий ва ижодий имкониятлар яратиш, тadbirkorлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Бу борода кенгаш томонидан зарур лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий қилинган тўғайли амалий натижаларга эришилмоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

ТАКЛИФЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси қошидаги бошланғич ташкилотда «Обод турмуш йили»да O'zLiDePнинг устувор вазифалари, унда БПТларнинг ўрни ва роли» мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. O'zLiDeP туман кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва партия фаоллари иштирок этган тadbirkor «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли хусусида сўз юритилди.

«Асака» банк асосий эътиборни тадбиркорликка қаратаяпти

Реклама урчида

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ОҚИЛОНА ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, МАВЖУД БАНК МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, МИЖОЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТ СИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА



«Асака» давлат акция-дорлик-тижорат банкнинг Андижон вилоят филиали жамоаси ҳам буни чуқур ҳис этиб, ҳисоб-касса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредит ажратиш, лизинг амалиётлари билан боғлиқ хизматлари билан миқозлар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Маълумки, бугунги ҳаётимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, мулкдорларни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга камарбаста бўлиш янгидан-янги ютуқларга йўл очди. Шу боис жорий йилнинг ўтган даври мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 5,2 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилиб, кўплаб иш ўринлари ташкил этилди.

Мамакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётди. «Асака» банкнинг Андижон вилоят филиали эл-юрт манфаати йўлидаги эзу ва хайрли ишлардан ўз молиявий қўмагини аямапти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун банк томонидан 244,5 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Турмуш фаровонлигини ошириш, бозор пештахталарини асосан маҳаллий шароитда тайёрланган сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирish аини кун-



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА БАРЧА МОЛИЯЛАШ МАНБАЛАРИ ҲИСОБИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА 5,2 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛИБ, КЎПЛАБ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

даги муҳим вазибалардир. Банк жамоаси ана шу талабдан келиб чиқиб, тармоқ корхоналарига молиявий ёрдамни кенгайтирмоқда. Дейлик, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳага 1,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағи йўналтирилди. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, ҳозирги кунда қайси соҳани олмайлик, инсон ва унинг манфаатлари бирламчи эканини кўра-

миз. Шу нуқтага назардан «Асака» банк вилоят филиалининг кредит сармоялари ҳам, энг аввало, халқимиз турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганлиги эътиборга моликдир. Биргина нооziқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ҳозиргача 950,0 млн. сўм сармоя ажратилди. Хизмат кўрсатиш ёки сервис соҳасига эса жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 424,0 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Қолаверса оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш ҳам диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир.

Шунингдек, катта ҳаёт оstonасида турган ёш оила-

ларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар ажратилмоқда. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига йўналтириш, уларга молиявий мадал бериш учун барча имкониятлардан фойдаланилапти. Ана шу мақсадда банк филиали томонидан имтиёзли шартларда кредитлар ажратилмоқда. Зеро, келажакимиз билимдон, зўкко ва тадбиркор ёшлар қўлидадир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги нуфузли молия муассасаларидан бири — «Асака» банкнинг Андижон вилоят филиали томонидан амалга оширилаётган хайрли ишларнинг кўлами кенг. Энг муҳими, банк сармоялари аҳоли фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлигига хизмат қилаётди. Бу эса ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томонга иқтисодий манфаат келтираётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Шахзод НАЗАРОВ
тайёрлади.

85 МИНГТА ЯНГИ ИШ ҲАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги «2012-2013 йилларда давлат мулкларини хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2012 йилда жами 87 та давлат мулки сотилиб, улар асосида 27,4 миллиард сўм ва 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорда олдир-соғди шартномалари имзоланган. Ана шу шартномаларга кўра, инвесторларга 16,42 миллиард сўм ва 2,5 миллион доллар миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти юклатилди. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида келтирилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг январь ойида ўтказилган мониторинглар натижасида жами 7786 та корхона ва объектлар худудларнинг манзилли дастурига киритилган. Банкротлик ёқасига келиб қолган корхона ва объектлари молиявий соғомлаштириш лойиҳалари асосида жами 2,8 триллион сўмдан кўпроқ инвестиция киритилиши белгиланган. Мазкур лойиҳалар ҳаёта тўла жорий этилса, 85 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Наргиза КАХХОРОВА
тайёрлади.

КОРХОНА ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Самарқанд шаҳридаги «Asia Fashion» МЧЖда махсус кийимлар, турли либослар тайёрланган бўлса, яқиндан бошлаб трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхонада табиий маҳсулот — пахтадан тайёрланган матолардан чакалоклар ва катталар учун тикалаётган 50 турдан кийим-кечаклар аини пайтда ички бозорда харидорлар эътиборини тортапти.

— Ишни турмуш ўрғитиш ва ўғил-қизларимиз билан биргаликда бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Абдухамид Аҳадов. — «Микрокредитбанк» ОАТБ Самарқанд вилоят бўлимидан олинган 39 млн. сўмлик кредит эвазига янги технологиялар сотиб олиниб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш орқали йилдан-йил ортқ иш ўрни яратинга эришдик. Тайёр маҳсулотларни сотиш учун шаҳарда иккита дўконимиз мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

МАҲСУЛОТНИНГ 70 ФОИЗИ — ЭКСПОРТГА

2013-2016 йиллар давомида мамлакатимизда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, республикамизда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда худудларда енгил саноат соҳасида 1286,3 миллион АҚШ долларлик 1629 та лойиҳадан иборат янги қувватларни ташкил этиш режалаштирилган.

Бунинг натижасида 63 мингдан зиёд янги иш ўрни ҳам яратилади. «Ўзбекистонсаноат» ДАК ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда ушбу рақамлар алоҳида тилга олинди.

Тадбир давомида енгил саноат соҳасини ривожлантиришда компания томонидан олиб борилган ишлар ҳамда бу йўналишда янада тақомиллаштиришга қаратилган мақсадли режалар хусусида ҳам сўз юритилди. Ингиллишда таъкидланганидек, мамлакатимизда саноат корхоналарида яратилган қулай шарт-шароитлар ва уларнинг ҳар жабҳала қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида таъкидланган маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги ортқ, экспорт ҳажми кўпаймоқда. Эътиборлиси, компания томонидан 2012-2014 йиллар режасига мувофиқ, жойлардаги корхоналар 13,4 миллион доллардан 700 дан зиёд замонавий тўқув, тикув, йигирув технологиялари билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Халқаро кўргазмалар



Самарали ҳамкорлик учун янги имкониятлар

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МАЖМУАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ УСКУНАЛАРИНИНГ ЎН УЧИНЧИ «WORLDFOOD UZBEKISTAN – 2013» ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ «AGROWORLD UZBEKISTAN – 2013» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмаларда Ўзбекистон, Австрия, Германия, Испания, Италия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Бельгия, Малайзия, Россия каби 25 мамлакатдан бир юз саксондан ортқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда. Уларнинг қарийб 35 фоизи мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидир.

Мазкур халқаро кўргазмалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида озиқ-овқат, қайта ишлаш саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ютуқларни кенг намойиш этиш ҳамда хорижий компаниялар фаолияти билан яқиндан танишиш учун катта имконият экани таъкидланди. Жорий йилда мамлакатимизда қайта ишловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга оид қарийб икки юз тўқсон лойиҳани амалга оширишда бу муҳим аҳамият касб этади.

— Мазкур кўргазмаларда «Multivac Export AG», «Vion», «Kronen», «Exima», «Diosna» каби озиқ-овқат саноати ускуналари ишлаб чиқарувчи ўн бешдан ортқ йирик компаниямиз қатнашмоқда, — дейди Германия халқаро кўргазмалар компанияси бўлим бошлиғи Симоне Шох. — Ўзбекистон Фермерлар кенгаши вакили Бахтиёр Шерматовнинг айти-

тон иқтисодиёти муттасил ва барқарор ривожланаётганига мазкур кўргазмалар орқали ҳам гувоҳ бўляимиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам тобора кўпаймоқда. Биз мамлакатимиздаги савдо ва сўғит маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар билан ҳамкорликни янада муҳакамлашдан манфаатдоримиз.

Жорий йилги кўргазмаларда «Озиқ-овқат саноати технологиялари» бўлими стандартлари дунёдаги қатор етакчи компаниялар ҳисобига анча кенгайди. Жумладан, ўсимлик ёғини сиқиб чиқариш ва омихта емларни экстракциялаш учун ускуналар ва технологиялар ишлаб чиқаришда Европада пешқадамлик қилаётган компаниялардан бири — «Фармет» (Чехия) бу йил илк бор иштирок этмоқда. «Новобийлик ускуналари» секторини «Fritsch», «Wachtel», «Rondo», «Fimak», «Voxsol» каби таниқли компаниялар маҳсулотлари беэган. Анча кенгайган «Ингредиентлар» бўлимида «Деллинг Фуд», «Top Star Food», «Арома классик», «СоюзОптТор», «Геркулес» каби компаниялар стендлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

«Қадоқлаш воситалари ва ускуналари» бўлимида хомашини қайта ишлашдан то дўкон пештахталаридаги тайёр маҳсулот ҳолига келгунча босиб ўтадиган жараён намойиш этилаётди. Мисол учун, Ўзбекистон ва Италия компаниялари озиқ-овқат суюқликларини қуйиш комплекс линиялари, ПЭТ-идишларни шипиритиш ускуналари, қадоқлаш плёнкаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашда ишлатиладиган ускуналарни тақриф этмоқда.

Ўзбекистон Фермерлар кенгаши вакили Бахтиёр Шерматовнинг айтишича, қорвачилик, ветеринария, ўғитлар, урунликлар, агрокимё, омихта ем, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, боғдорчилик техникаси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми, ҳоло, Паррандачилик бўлимида ўн бешдан ортқ компания стендлари паррандалар ўстиришининг тўлиқ цикли мавжуд. Тухум, жўжа, инкубаторлар, паррандачилик фермалари учун ускуналар шулар жумласидандир.

Очиқ майдонларда қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари — йиғим-терим машиналари, тулпароққа ишлов берувчи, уруғ сепувчи, қўчат экувчи машиналар, дастлабки ишлов бериш ускуналари намойиш этилмоқда.

«Агромашхолдинг» концернининг двигателига газда ишлайдиган гилдиракли тракторнинг янги модификацияси ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда. Концерн мутахассислари газда ишловчи двигателига «Агромаш 85» гилдиракли универсал шудгорлаш тракторига муваффақиятли мослаштирган.

— «Агромашхолдинг»да ишлаб чиқарилган юқори қувватли уч турдаги янги техника билан танишдик, — дейди Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Мамнуна Аҳдам» фермер хўжалиги раҳбари Ҳожимурод Омонов. — Айниқса, 60 от қучига эга «60ТК» русумли тракторнинг ҳаво билан совутилиши бизга учун аини мудоа. Харид қилиш учун дарҳол шартнома имзоладик.

Олтинчи апрелга қадар давом этадиган кўргазмаларнинг иккинчи кунини, аянага кўра, фермерлар фаолиятига бағишланди.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ГОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа гоаялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштиришига қўмаклашилади.

Танлов куйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоаялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция тақлифи (намуна бўйича);
Инвестиция тақлифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-sayt: www.fpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027,
Шайхонтоҳур тумани,
Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон
банклари уюшмаси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи,
«Бунёдкор» метро бекати.

«COLLEGIAL PROTECT»

ўз хизматини тақриф этади

Ҳурматли тадбиркор ва фермерлар!
Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча худудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини тақриф этади. Ўзини фирма томонидан тадбиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа

равнақи ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мурожаат учун телефонлар:
8(371) 269-00-40,
(+99899) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.
Хизматлар лицензияланган!

Эълон

Тошкент шаҳар Олмазор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2011 йил 27 январда рўйхатга олинган «BISO-TA MIRLASH» маъсулияти чекланган жамияти 2013 йил 1 апрелдан бошлаб тугатилади. (ИНН 301816138, ОКПО бўйича коди 23519762)

Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мuddатда қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Иброҳим ота кўчаси, 85-уй.

Халқаро ҳаёт

Космос хавф остида

ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ЎТГАН 55 ЙИЛ МОБАЙНИДА ЕРНИНГ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ СЕНИ 6 МИНГДАН ОШГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Бундан 200 йил аввал яшаган файласуфлардан бири инсоннинг билиш доираси чекланган, у ҳеч қачон фазони тадқиқ қила олмайди, дея таъкидлаган эди. Бироқ, кўп ўтмай, одам оёғи ойга етди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бугун ушбу соҳада ҳам ўзаро рақобат кучайгандан-кучайиб бормоқда.

Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, космик индустрияга 2004 йилдан буён 276 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланган. Эътиборлиси, бу сармоя айрим мамлакатларнинг йиллик бюджетидан бир неча баробарга кўпдир. Турли космик агентликлар ҳам бу борада ортада қолишни истамаётганлар. Хусусан, АҚШнинг Space Shuttle компанияси кейинги 40 йилда космик индустрия учун 210 млрд. доллар сарфлаган бўлса, Халқаро фазо маркази мазкур кўрсаткични 157 млрд. га олиб чиқди. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ ишончли ахборот алмашинув тизимини яратиш мақсадида 1957 йилда фазога учирилган ернинг биринчи сунъий йўлдошдан кейинги ўзгаришлар бугунга келиб айрим мамлакатларда геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамият касб этаётганини кўрсатиб турибди. Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш борабаридан унда банд бўлаётган ишчилар сони ҳам йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, Американинг авиакосмик санаятида ҳозирги кунда 11 млн. дан ортиқ киши меҳнат қилаётган. Шу билан бирга, бу мамлакатда авиакосмик маҳсулотлар экспорти ҳам жадал ривожланаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2010 йилдагина экспорт ҳажми 80,5 млрд., импорт

эса 27,2 млрд. дан ошган.

Майлумки, 2012 йил тарих зарварларида об-ҳавонинг ноқулай ва инжиқ келиши, ўрмонларга ўт кетиши, кучли довуллар, бўронлар кўпайиб, кўплаб ҳудудларнинг сув остида қолиб кетиши билан ёзда қоладиغان бўлди. Хусусан, АҚШда рўй берган «Сенди» довули оқибатида Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Коннектикут штатлари вайрон бўлди. Иқтисодийта 38 млрд. доллар миқдорига зиён етди. Бразилиядаги сув тошқинлари ҳамда Хитойнинг бир неча провинцияларида ёққан кучли жава оқибатида эса 2 млн. га яқин кишининг ҳаловати йўқолиб, кўплаб инсонлар бевақф ҳаётдан кўз юмдилар. Шу боис фазонинг тадқиқ этиш марказлари тез орада иқлимни кузатувчи ва об-ҳавонинг ўзгариши ҳақида тўлиқроқ маълумот берувчи янги сунъий йўлдош учуришга ҳаракат қила бошладилар. Хусусан, АҚШнинг NASA агентлиги бунинг учун давлат бюджетидан 1,5 миллиардга яқин маблағ сарфлашни мўлжалламоқда. Мутахассисларнинг фикрича, янги сунъий йўлдош Калифорния штатининг Ванденберг ҳаво базасидан учурилиши белгиланган. Гарчи орбитада Ернинг ҳаво қатламлари, булутлар ва океанларни кузатиб туривчи кўплаб сунъий йўлдошлар бўлса-да, уларнинг кўпчилиги эскириб, фойда келтирмайдиган ҳолатда экани бежиз таъкидланмаётган. Эътиборлиси, энг сўнгги русумдаги сунъий йўлдошлар анчагина илгор технологияга асосланган бўлиб, атроф-муҳит ҳақида батафсилроқ маълумот бера олади. Ҳозирдаёқ синоптиклар сунъий йўлдош ёрдамида кучли табиий ўзгаришларни олдиндан аниқлаш тизимининг йўлга қўйилиши катта имкониятлар эшигини очи-

шига ишонмоқдалар. Чунки янги сунъий йўлдош келгусида юз бериши мумкин бўлган иқлим ўзгаришларига доир ҳодисалар тўғрисида аниқроқ маълумотларни қўлга киритишда ёрдам беради.

Албатта, космосни тадқиқ этиш лойиҳаси жуда катта илмий аҳамиятга эга. Чунки Ер айна пайтада мураккаб илмий жараёнларнинг ноёб лабораториясига ҳам айланди. Масалан, космосда юқори энергияли зарядланган зарралар бўлиб, бундай зарраларни ерда ҳосил қилиш учун миллиардлаб маблағ талаб этилади.

Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бўлганидек, бундай тадқиқотлар оқибатида коннотда фазовий чиқиндилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганидан ҳам кўз юммаслик керак. Бошқача айтганда, бугунга келиб ракета-қеталарнинг синган қолдиқлари, эски сунъий йўлдошлар, фазовий аппаратлар парчалари ер атрофида соатига 28 миң километр тезликда ҳаракат қила бошлади. Бунда, айниқса, АҚШ, Япония, Франция, Ҳиндистон ва Россия каби бир қатор давлатларнинг «ҳиссаси» юқори бўлмоқда. Ер қураси атрофида тинимсиз айланиб юрган, ҳеч қандай фаолият олиб бормаётган чиқиндилар янги учуриладиган фазо кемаларига ҳам хавф туғдириши, шунингдек, айни пайтда орбитада ишлаб турган сунъий йўлдошларни ишдан чиқариши мумкинлиги эса вазиёт анчайин жиддий эканидан далолатдир. Шунинг учун ҳам мутахассислар ерга яқин бўлган орбитада ахлатлар буцдан-да кўпаймасдан жаҳон ҳамжамияти соҳада янги халқаро қондалар жорий этиш устида янада жиддийроқ бош қотириши лозимлигини тилга олаётганлар. Бир гуруҳ олимлар эса Ер

яқинидаги орбитани тозалашнинг муқобил вариантлари мавжудлиги, аммо бу иш катта маблағ талаб этишини таъкидлашмоқда.

— Халқаро фазо маркази маълумотларига кўра, бугун тахминан 22 мингта чиқинди самода ҳаракат қилмоқда. Охириги йилларда эса фазода содир бўлган икки воқеа вазиётни янада чигаллаштириб юборди, — дейди астрофизик Дональд Кесслер. — Яъни 2007 йили Хитой сунъий йўлдошга қарши ишлаб чиққан ракетани синаб кўриб, эски метеорологик зондни йўқ қилди. Нагжада орбитада 150 мингта яқин қолдиқлар пайдо бўлди. Орадан икки йил ўтгач, ишдан чиққан сунъий йўлдош амалдаги фазовий аппаратга урилиб, темир ахлатлар сонини янада кўпайтирди.

Маълумки, ер шарида ҳам магнит майдони мавжуд бўлса-да, у қандай кўринишда экани ҳали исботланмаган. Халқаро фазо маркази маълумотларига эса бир гуруҳ астрофизик олимлар бунинг сунъий йўлдош орқали аниқлашга киришишгани айтилаётган. Яқинда орбитага учурилган иккита сунъий йўлдош ҳам айнан ана шу мақсадларга қаратилгандир. Яъни мазкур йўлдошларнинг икки йил давомида ернинг магнит майдони айнан нимадан ташқил топгани ҳақидаги маълумотларни жамлаши режалаштирилган. Шунингдек, бу йўлдошлар магнит бўронлари давомида ерда қандай унсурлар юзага келишини ҳам аниқлашга ҳизмат қилиши лозим. Соҳа мутахассислари эса умумий қўйишти 686 миллион долларни ташқил этган мазкур лойиҳа янги тадқиқотлар учун мустақкам замин ҳозирлашига қаттиқ ишонмоқдалар.

Урни келганда ернинг сунъий йўлдошлари кўплаб соҳаларни янги босқичга олиб чиққани ҳолада ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўяётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Жумладан, телевидение, радио ва интернетда унинг роли сув ва ҳаводек муҳим аҳамият касб этаётган. Мисол учун, йўлдош орқали тарқатиладиган сигналлар асосида ву-жудга келган телевидение олайлик. Бугун ер юзининг қай бир ҳудудда қандай воқеа юз бермасин, одамзот бир неча сониялар ичида ундан хабар топмоқда.

Шу ўринда сўнги йилларда сунъий йўлдош орқали ишлайдиган GPS (Global Positioning System) навигацион ускунаси ҳақида кўп гапирилаётганини таъкидлаш лозим. Компаснинг янги авлоди, дея таърифланаётган бу қўрилмадан ҳарбий ва автомобиль санаятида анча йиллардан бери фойдаланилаётганини ҳам айтиш мумкин. Яқин йиллардан бошлаб эса оддий фуқаролар учун ҳам GPS қабул қилгичлар чиқарила бошланди. Ҳажми кичик бўлган бундай восита бир вақтнинг ўзида бир неча йўлдошдан сигналлар қабул қилиш хусусиятига эга бўлиб, ускуна ичига ўрнатилган махсус компьютер дастури учта йўлдошдан келган сигнал йўналишига қараб ўзи турган жойни ҳисоблаб чиқарилади. Агар унга муайян манзил координатлари киритилса, дисплейда ўша манзилга бориш йўналиши кўрсатилади. Ускунани уюли алоқа воситалари билан янада самарали ишлатиш ҳам мумкин. Агар компьютерга электрон харита киритилган бўлса, у керакли манзилга борадиган энг қисқа йўлни ҳам кўрсатиб беради. Бундай қўрилмалар, айниқса, туризм соҳа-



сида жуда қўл келаётганини мутахассислар алоҳида таъкидламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, олам ва одам ўз тараққиёти давомида глобал аҳамиятга молик воқеа-ҳодисаларга рўбарў келмоқда. Бирор кашфиёт дунёга келганда унинг шахс, жамият

ёинки давлат учун қандай наф бериши, мақсад ва вазифалари кўпчилиқка тез-да аён бўлавермайдиган ҳодиса, албатта. Фан ва техниканинг ривожланиш тарихига назар солсак, бундай кашфиётларнинг сон-саногии йўқлигига гувоҳ бўлаемиз. Ернинг биринчи

сунъий йўлдоши учурилганда космос халқ ҳўжалиги учун қандай наф келтириши кўпчилиқка равшан эмасди. Аммо орадан бир неча йиллар ўтиб, унинг фойдаси маълум бўлди. Яқин келажакда у инсоният бошига қандай синовларни олиб келиши сирли-

гича қолмоқда, холос. Шу боис мутахассислар орбитага инсон томонидан учурилган сунъий йўлдошлар бир кун келиб глобал муаммога айланиши ва башариятга қўйилмаган «совга»ларни ҳам туҳфа қилиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

ЯПОНИЛАР ЧИҚИНИНГ 1 МЛРД.ГА АЙЛАНТИРИШМОҚЧИ



Японияда қабул қилинган янги дастурга кўра, аҳолидан телефон аппаратлари, фотоаппаратлар, микротўққичли пещ, чангюттич ва бошқа яроқсиз ҳолга келган эски маиший ускуналар йиғиб олинади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, агар мазкур амалиёт тўлиқ ишга тушса, ҳар йили аҳолидан 650 миң тонна маиший техника воситалари йиғиб олинади ва улар қайта ишланиши натижасида 1 млрд. АҚШ доллари яқин қимматбахо ва нодир металллар ишлаб чиқариши имконияти яратилади.

ДЕПУТАТЛАР ГРУЗИНЧА ЛИБОСДА



Грузия Парламенти мамлакат қонунчилиги регламентига ўзгаришлар киритди. Унга кўра, бундан буён депутатлар ишга костюм-шим ёки миллий либосда келишлари лозим. Парламент вакилларининг сўзларига қараганда, бундан кўзланган асосий мақсад Грузия миллий ва маданий меросини тарғиб қилишдан иборатдир. Таъкидлаш жоиз: мазкур қонун Грузия Президенти томонидан маъқулланганидан кейин кучга киради.

APPLE IPHONE 6 УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРАЯПТИ



Apple компанияси вакилларининг сўзларига қараганда, янги iPhone смартфонини шу йилнинг август ойида соғуна чиқарилиши мумкин. Янгилашган смартфон iPhone 6 дисплейини сақлаб қолади, аммо унинг техник имкониятлари анча кенгайиши таъкидланмоқда. Жумладан, у кучли процессор ва катта ҳажмли камерага эга бўлади. iPhone 3 GS ва iPhone 4С смартфонлари ҳам аввалиги моделлардан унчалик катта фарқ қилмаган эди. Айтиш керакки, компания 2007 йилдан шу кунга қадар 300 миллион дана турли авлодга мансуб смартфонларни сотган.

ҚОР МАЛИКАСИ ЭНДИ ПОЛЬШАДА



Шу кунларда Польшада ёғаётган кучли қор натижасида 100 миңдан ортиқ оғирлар электр энергиясиз қолмоқда. Табиат инжиқлиги, айниқса, мамлакат шарқда жойлашган Мазошский ва Подляский шаҳарлари аҳолиси учун ноқулайликлар туғдиришмоқда. Кучли қор ёғиши оқибатида Радом провинцияси аэропортидаги бир неча рейслар ҳам бекор қилинган. Синоптиклар мамлакатнинг яна бир қатор ҳудудларида кучли қор ёғишини ва ушбу давр учун ноодатий бўлган қаҳрагон қўн ҳавоси Польшада апрель ўрталаригача сақланиб қолишини таъкидламоқдалар.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: «Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».

— Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги йўналишларидаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган давлат ва жамият бошқаруви устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фазл широклини таъминлаш;
- давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;
- аҳолининг экологик ва табиий малайياتини янада яхшилаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВларнинг ролинини ошириш;
- аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқаролини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккур туйғувиини тарбиялаш;
- нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қўмақлаштириш;
- миллий матбуотнинг сифати, таъсирчанлиги ва самарасини изчил ошириш;
- мамлакатимиз аҳолисининг ағзалари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш таъриби ҳамда жаҳон тамаддулининг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолада бошқа ОАВларнинг гоъвий ва балиий савиясини юксалтириш;
- ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш;
- интернет-журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотимиз халқаро медиа оламида муносиб ўринга эга бўлиши учун унинг усулларини ўзлаштириш.

ТАНЛОВДА КАТНАШИШ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
 2. Жамоат фонднинг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианты;
 3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
 4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватловчи хати илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маблағлари жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин. Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп қилинган кундан бошлаб 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.
- Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шох кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт.**

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишини мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.

Сўнгги саҳифа



Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат ХҲҲАЕВ,
«XXI ASR»

Давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида таъкидлаганидек, жамғарма баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни рўйжаб чиқариш мақсадида ташкил этилган.

Жамғарма фаолиятини таҳлил этар эканмиз, унинг маблағлари биринчи навбатда қишлоқ жойларида болалар спорт объектларини қуриш, умумтаълим мактабларида замонавий спорт комплексларини барпо этиш, шунингдек, ана шу мажмуаларни зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлашга йўналтирилганини гувоҳи бўламиз. Жумладан, маълумотларга кўра, ўтган 10 йил мобайлида БСРЖ маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорт объекти, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали бунёд этилган. Уларнинг 84 фоизи қишлоқ жойлардадир.

Табийки, бундай чора-тадбирлар кўплаб спорт турларининг янада оммавийлашувига таъсир этмай қолмади. Бинобарин, 2003 йилда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсди. Сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши эса 14,5 фоиздан 39 фоизга ошди.

Тан олиш жоиз: Ўзбекистоннинг болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги сиёсатини бир қатор хориж давлатлари ҳам ноёб тажриба сифатида ўрганмоқдалар. Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Уни-версида мусобақалари ду-

ненинг ҳеч бир мамлакатда кузатилмаган тизим сифатида эътироф этилаётган. Айнан ана шу мусобақаларда тобланган, шунингдек, юқорида тилга олинган замонавий спорт

медални кўлга киритди. Қирқдан зиёд давлатдан мингдан ортиқ спортчи иштирок этган нуфузли мусобақада ўн уч ёшли иқтидорли спортчимиз Грузия, Фаластин, Бир-

турмуш тарзига риоя қилишни ўрганди. Дарҳақиқат, бадий гимнастика қизларимизга мос келадиган спорт тури бўлиб, унда жисмоний тарбия, musiқа ва хорсого-

ЖАМҒАРМА МАЖЛИСИДА СПОРТНИНГ БУ ТУРИ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛГАНЛАР САФИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КЕНГАЯЁТГАНИ, ЖУМЛАДАН, 2003 ЙИЛДА БОР-ЎҒИ 1700 НАФАР ҚИЗ БОЛА БАДИЙ ГИМНАСТИКА БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН БЎЛСА, 2012 ЙИЛДА УЛАР Сони 36 МИНГ НАФАРГА ЕТГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

мажмуаларида яратилган шароитлардан фойдаланган эътиборимиз халқаро аренада ҳам юқори натижаларга эришадигани қувонарли ҳол, албатта.

Мана, масалан, ўтган йили футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоалари саралаш босқичларини муваффақиятли яқунлаб, БАА ва Туркияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатларига йўл олганини, бундан ташқари, умидли ўғил-қизларимиз спортнинг шахмат, бадий гимнастика, сузиш, дзюдо, бокс, кураш, каратэ, таэквондо, эшак эшиш каби турлари бўйича ўтказилган жаҳон ва қитъа чемпионатлари, шунингдек, бошқа йирик турнирларда совринли ўринларни кўлга киритаётганини айтиш мумкин.

— Устоз ва мураббийларимизнинг айтишича, илгари чет элга чиқиш у ёқда турсин, юртимизнинг йирик шаҳарларида ҳам машғулотларни ташкил этиш муаммо бўлган экан. Ҳозир эса қаерга қараманг, янги спорт зали, янги майдонга кўзингиз тушади. Терма жамоамиз учун ҳар йили бир неча марта хориж йиғинлари ташкил этилмоқда. У ерда машғулотлар олиб боришдан ташқари маҳаллий жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказаялмиш, — дейди мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси аъзоси Бобур Йўлдошев.

Яна бир мисол. Жорий йилнинг февралда Дубай шаҳрида каратэ бўйича болалар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда самарқандлик Сардор Яҳёев олтин

лашган Араб Амирликлари ва Миср каратэчиларини маълумиятга учратиб, шоҳсуланинг энг юқори погонасига кўтарилди.

— Спорт ўлимнинг соғлом, матонатли ва қатъийли бўлиб ўсишига хизмат қилмоқда, — дейди ёш спортчининг отаси Ўқтамхон Нажмиддинов. — Спорт тўғрисида фарзандимиз ватанпарварлик, ғалаба интилиш, юқори мақсадларни кўзлаш ва шу йўлда тинимсиз меҳнат қилиш фазилатларига эга бўлди.

Шу ўринда Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш турлари бўйича ўтказилган жаҳон ва қитъа чемпионатлари, шунингдек, бошқа йирик турнирларда совринли ўринларни кўлга киритаётганини айтиш мумкин.

— Оиламизда спортга муҳим тарбия воситаси сифатида қаралади. Шу боис қизимиз Фарангиз Бухородаги «Нафис» спорт саройининг бадий гимнастика тўғрисидаги олим бўлиб, — дейди Раъно Ҳаққуллова. — Йиллар ўтиб, Фарангиз мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашга ишонман. Аммо бу кейинги масала. Муҳими — қизимиз соғлигини мустаҳкамлаш билан бирга соғлом

КРАБ ТАЁҚЧАЛАРИ СОҲТА ЭКАН

Турли хил салатларга қўшилган краб таёқчалари аслида денгиз жонивори бўлмиш крабга, яъни ўн оёқли қисқичбақага ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўпчилик билмас керак. Маълумотларга кўра, 1973 йилда япониялик ошпазлар томонидан ўйлаб топилган «сохта краб таёқчалари» рецепти ҳозиргача айтарли ўзгармаган. Айни пайтда таёқчалар оқ рангли балқининг майдаланган гўшти, картошка, соя қайласи, крахмал, тухум қукуни каби маҳсулотлардан тайёрланади. Шу тарихида вужудга келган хамирсимон аралашмага шакл берилади ҳамда у буғлан йўли билан ёғисизлантиради. Сўнгги босқичда таёқчаларга озуқавий бўёқлар ёрдамида қизил ёки олов ранг тус берилади. Эътиборлиси, Қўнчиқар юрт вакиллари ушбу рецептни ҳақиқий краблар кескин камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида ихтиро қилганлар.



Сўранг, жавоб берамиз!

— Дўкандан маҳсулот сотиб олган, унинг мувофиқлик сертификатини талаб қилдим. Сотувчи эса тоғар ёрлиғидagi белгини кўрсатиб, маҳсулот сертификатланган, деди. Айтинчи, маҳсулот ёрлиғидаги қандай белгиларнинг сертификатланганлигини билдиради? З.РАҲМОНОВ, Тошкент шаҳри.

— Сериали ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган ҳолда, корхона ва сертификатланган илдорас ўртасида лицензион келишув имзоланади. Ушбу келишувга биноан, корхонага Мувофиқлик белгисини қўлиш ҳуқуқи берилади. Маҳсулот ёрлиғидаги Мувофиқлик белгисини унинг сертификатланганлигидан дарак беради. Саволига «Ўзбекистон агентлиги мутахассиси Прода Усмонова жавоб бери.

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 4-11 апрель кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди 5-8 апрелда тоғли ва тоғолди худудларда қор кўчиш, сел келиш хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси ва



Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 5 апрелда 5-10, 6-8 апрель кунлари 7-12 даража илик, кундузи 23-28 даража илик бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси ва эрталаб баъзи жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража илик бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража илик бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари 5 апрелда кечаси 3-8, кундузи 15-20, 7-8 апрель кунлари эса кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража илик бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат 5 апрелда кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража илик, 7-8 апрель кунлари эса кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража илик бўлади Тоғли худудларда 5 апрель куни қор кўчиш хавфи бор. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 12-17 даража илик бўлиши кутилмоқда.

ХАБАРЛАР

«СЕВИНЧ» ҚИЗЛАРИГА — «КҲҲҲҲ»

Қарши шаҳрининг 2000 йилда туғилган қизлардан иборат «Севинч» жамоаси Москвада бўлиб ўтган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб қайтди. Тажрибали мутахассис Баҳром Норсафаров мураббийлигинидаги қашқадарёлик қизлар аввал «Чертаново-2000» жамоаси билан ўтказилган ўйинда дуранг (1:1) қайд этган бўлсалар, кейинчалик кетма-кет 4 та ишончли ғалабага эришилди. Хусусан, «Звезда» (Пермь) ва «Приалит» (Москва области) клублари йирик (10:0 ва 13:1), «Чертаново-2001» ва Москва терма жамоалари тегишли равишда 3:1 ва 2:0 ҳисобида мағлуб этилди. 13 очко жамгарган футболчи қизларимиз фақатгина тўплар нисбатидagi фарқлар бўйича «Чертаново-2000»дан ортда қолиб, мусобақанинг қулуғи мелалига сазовор бўлдилар. — Мазкур мусобақа қизларимиз учун ўзига хос тажриба мактаби вазифини ўтади, — дейди Б.Норсафаров. — Аҳамиятисиз, унда қатнашган жамоамизнинг аксарият аъзолари келуси йил 16 ёшдан кичик бўлган қизлардан танкил этилган терма жамоа аъзоллигига қабул қилинадиган бўлдилар. Шу ўринда истеълодли футболчимиз — Умида Бурҳонова мусобақанинг энг яхши ўйинчиси, деб топилганини айтиб ўтиш лозим.

Нурбек ФАРМОНОВ, ЎзДЖТИ магистранти.

3 ДОЛЛАРГА ОЛИНИБ, 2,2 МЛН.ГА СОТИЛГАН КЎЗА



АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Sotheby's кимовиди савдосида қизиқувчан инглиз аёли томонидан 2007 йилда эски буюмлар бозоридан бор-йўғи 3 долларга харид қилинган диаметри 12,7 сантиметрлик чинни кўза лондонлик дилер Жузеппе Эскенази томонидан 2,2 млн. долларга харид қилинди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу идиш Х-ХII асрда Хитойда шимоллий Сун сулоласи ҳукмронлиги даврида ясалган.

Раъван ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОНДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА «NAVOIYAZOT» ОАЖ ҚУЙДАГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚИМО ЭТАДИ:

- МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР:
- азот-фосфорли ўғит
- аммоний хлориди
- аммоний сульфати
- калийли ўғит
- техниквий сувли аммиак

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ФЕРМЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ!

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5
Сайт: www.navoiyazot.uz, e-mail: office@navoiyazot.uz
Факс: (+99879) 223-75-80
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99; e-mail: market@navoiyazot.uz
Сотув бўлими: (+99879) 229-25-34; e-mail: sale@navoiyazot.uz

Маҳсулотлар сертификатланган